

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ! ШИНАМ, ҚУЛАЙ ВА ЁРУҒ

Айни кунларда вилоятимизнинг турли ғўшала-рида улкан бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Жумладан, "Муҳандис плюс лойиҳа" масъулияти чекланган жамияти Паркент тумани "Сумча" дам олиш ҳудудида 11 та намунаи лойиҳа асосида уй қурмоқда.

– Бундан ташқари, яна бир қанча объектларда иш-ламоқдамиз, – дейди иш юритувчи Исмоил Рўзиев. – Бир гуруҳ ишчилари-миз Шампань қишлоғидаги коллежни, яна бир гуруҳи 4-мактабни капитал таъмирламоқдалар. Шунинг-дек, қурувчиларимиз "Истикбол" маҳалласига сув қувурлари тортишмоқда. Мақсадимиз – Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрамини арзирли совғалар билан қўтиб олиш.

Нозима АРСЛОНОВА.  
Даврон АХМАД олган сурат.



## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ БИНОДА

Мустақиллигимизнинг тобора яқинлашиб келаётган 24 йиллиги байрамига тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Хусу-

Бюджет маблағлари ҳисобига 11- ва 14-мактаблар ҳамда техника-иктисодиёт касб-хунар коллежини мукамал таъмирлаш ва реконструк-

сан, Бекобод шаҳрида бир нечта ижтимоий объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

ция қилиш авжида. Жумладан, коллеж биносини "Зарафшон-Файз" МЧЖ-нинг 50 дан ортиқ ишчи-си таъмирдан чиқармоқ-да. Хоналарни пардозлаш

ва спорт залини таъмирлаш ниҳоясига етди. Устахона ва автогараж биноларида эса иш давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

«Энг улуг, энг азиз» кўрик-танлови

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида анъанавий ўтказиб келинаётган «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлашга қизгин ҳозирлик қўриладиган шу кунларда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шiori остида ташкил этилган макур тадбир-да сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндалари, маънавият тарғиботчилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюш-

маси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекистон" миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танловга адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино санъати йўна-

лишлари бўйича 376 ижодкорнинг 5 мингга яқин ишлари қабул қилинди. Асарларни баҳолашда уларда истиқлолнинг маъно-мазмунини, биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри экани, ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга ҳаётини, таъсирчан, содда ва самимий, ўзига хос ижодий ёндашув асосида очиб берилганига эътибор қаратилди.

Танловнинг барча ғолиб ва совриндорларига махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «АЙРОНЧИЮ ШАРБАТЧИ ҲАМ ТАДБИРКОРМИ?»

Газетанинг шу йил 20 июндаги 49-сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада санитария ва гигиена талабларига жавоб берадиган жойларда қўлбола айрон

ва шарбатлар ўзбошимчилик билан сотилаётгани, айниқса, бу ишларга вояга етмаганлар ва ёш болалар жалб этилаётгани танқид қилинган эди.

(Давоми 2-бетда).

Мактаб бозори

## ҲАММА НАРСА БОР

Чиноз тумани савдо мажмуалари, йирик дўкон ва умумтаълим мактаблари қошида 30 дан ортиқ мактаб бозори ва ярмаркалари ташкил этилди. Ярмаркаларда болажонлар учун зарур ўқув қуролларидан тортиб, мактаб формасигача харид қилиш мумкин.

– Мен 40-мактабнинг 4-синфиди ўқийман, – дейди Шахноза Ахророва. – Ота-онам билан мактаб бозорига келиб, керакли нарсаларни харид қилдик.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.  
Мансур НАХАЛОВ олган сурат.



Касб-хунар таълими

Республика Президентининг Мустақилликнинг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва намунали ўтказишга оид Қарориди замонавий билим ва касб-хунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлоднинг тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишларнинг моҳиятини кенг ёритишни устувор йўналишлардан бири деб таъкидланган таълим-тарбия тизими давлат ва жамиятнинг доимий ғамхўрлиги ва назорати остида эканининг яна бир далилидир.

Дарҳақиқат, инсон камолотининг пойдевори, унга бахтиёрлик инъом этувчи, буюк келажакни яратиш йўлида кулларни уйғунлаштирувчи, фақат яхши хулқ ва гўзал фазилатларни шакллантирувчи, ёшларга порлоқ ҳаёт йўлини кўрсатувчи тарбия инсон учун ҳаёт-

мамот, наҳот ва саодат масаласидир. Зеро, буюк келажак ҳам бугунги ёшларнинг қандай тарбияланаётганига боғлиқ. Шукроналар бўлсинки, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилгани, таълим-тарбия тизимидаги

ислохотларнинг изчиллиги қисқа вақтда ўз самарасини кўрсата бошлади. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: "Истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган, ҳозирданок икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини намоян этаётган ёшлар мисолида эзгу орзу-интилишлар

римиз бугуннинг ўзида ҳосиласини кўрсатаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз." Донишмандлар: "Хунар бўлса қўлингда, нон топила йўлингда", "Илим-сизга ишонч йўқ, хунарсизга қувонч йўқ", "Юзга кирсанг ҳам хунар ўрган" деганларидек, касбни чуқур ўрганган одамга бахт эшиги очилди.

Зангиота туманидаги маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи истиқлол шарофати билан вилоятда бунёд этилган 128 та коллеж ва академик лицейлардан бири. Унда 41 та маҳалладан 1585 ўғил-қиз тўққиз йўналиш бўйича билим олмақда. Уларга 75 нафар фидойи, ёшларга пухта билим беришни виждон иши деб билувчи тажрибали ўқитувчилар таълим-тарбия беришмоқда. Устозлар ўқувчиларга чуқур билим бериш билан бирга улар онгига миллий қадрият, она Ватан ва табиятга чексиз муҳаббат руҳини синдиришмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Маънавият

Табиики, инсон қаерда, қайси мамлакатда дунёга келса, шу ер унинг учун энг қадрли маъво, яъни она Ватанга айланади. Киндик қони тўқилган жой инсон учун ҳамма нарсадан қимматли даргоҳдир. Демак, Ватанини севиш, ундаги бор нарсаларни ардоқлаб, соғиниб яшаш инсоният фитратида мавжуд бўлган нозик ҳис-туйғудир.

## ИМОН, ВАТАН, ИСТИҚЛОЛ

Тарихдан маълумки, бирор миллат бошқа миллатни таҳқирламоқчи ёки оёқости қилмоқчи бўлса, аввало, унинг Ватанини босиб олиб, вайрон қилган ёки уларни юртидан қувиб чиқарган. Ўз Ватанини душманлар қўлида қолганини кўрган миллатга бундан ортиқ хўрлик ва азоб йўқ. Зеро, Ватан, миллат, дин тушунчалари инсон учун ҳар нарсадан азиз ва муқаддасдир. Буюк алломаларимиздан бирининг қўйидаги сўзлари Ватанини сев-

ган ҳар бир кишининг қалбидида ғайрат ва шижоат уйғотади: "Ҳар бир кимсага маълумдирки, ҳаёт оламида инсоннинг энг севган, қадрли, қимматли тўрт нарсаси бордур. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кишилар инсонлик шарафидан маҳрум бўлурлар. Улар: озоқлик ва эркинлик, меҳнат билан топишган молга ўзи эгал қилмоғи, тугилиб ўсган она Ватани ҳамда асрлар бўйи асраб-авайлаб келаётган муқаддас дини".

(Давоми 4-бетда).

Эзгу анъана

## УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Ўзбекистон халқи эзгу орзулари ҳаяжон билан кутатган энг азиз, энг улуг байрамимиз кенг қўламда нишонланадиган тантаналарга санокли кунлар қолди. Ҳар йилги анъанага кўра, республика Вазирлар Маҳкамаси давлат Мустақиллигининг 24 йиллиги байрами олдидан ўтказиладиган ободонлаштириш ва тозалик ойлиги муносабати билан махсус фармойиш эълон қилди. Унга кўра, август ойи бошида бошланган ушбу эзгу анъанага 22-23 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари улаиб кетади.

Бутун мамлакатда бўлганидек, Тошкент вилоятида ҳам ободонлаштириш ва тозалик ойлиги қизгин давом этмоқда. Бугун ва эртага эса вилоятимиз аҳли умумхалқ хайрия ҳашарида ҳар йилгидек фаол иштирок этади. Анъанага кўра, вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, маҳаллалар ва бошқа аҳоли истиқомат жойларида, кўп қаватли бинолару ховлиларда, гузару хибоналарда, зиёратгоҳу қабристонларда, шунингдек, болалар майдончалари ва ўйингоҳларида ободонлаштириш ва тозалик тадбирлари аввалдан белгиланган тартибда давом эттирилади.

Хусусан, 1150 дан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона, ташкилот ва муассасалар ишчилари, умуман, 1,5 миллиондан зиёд аҳоли "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шiori остида муносиб нишонлашга тайёргарлик қўриладиган давлат Мустақиллигининг 24 йиллик байрами олдидан умумхалқ хайрия ҳашарида фаоллик кўрсатади. Уларнинг 1 миллиондан зиёди ёшлардир.

Аввалдан белгиланган режага кўра, 5700 гектардан зиёд майдонда ободон-

лаштириш ишлари бажарилади. Тураржой мавзелари ва маҳаллалардаги қарийб 2,5 миллион дарахтга шакл берилиб, оқланади. Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги давомида, шунингдек, хайрия ҳашари кунларида ижтимоий муҳофазага муҳтож 2000 мингга яқин оиланинг уй-жойлари хомийлар томонидан таъмирлаб берилади. Шунингдек, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда 900 дан зиёд яқка-ёғлиз кексалар ва ногиронларга хомийлар томонидан моддий ва мурувват ёрдами кўрсатилади.

Ҳар йилги анъанага кўра, умумхалқ хашари муносабати билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридида маблағлари Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқарувининг банкдаги ҳисоб рақамига иштиёрий равишда ўтказилади.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилоят бўлими ҳ/р 20212000500132942001. ОАТБ Қишлоқ қурилиш банкнинг Тошкент вилояти минтақавий бўлими МФО 00987, ИҲН 200548395, ОКОНХ 98800.

Мустиқиллик иншоотлари

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ БИНОДА



14-умумтаълим мактабини тендер солиби "Меҳринисабону-ишонч курилиш" хусусий корхонаси таъмирламоқда. 30 ишчи ўқув хоналарини пардозламоқда.

"Бек-мадад-курилиш" МЧЖ аъзолари "Сайхун" маҳалласидаги 11-мактабда меҳнат қилмоқдалар. Мактабнинг эски биносини бузиб, қайтадан қўтардик, — дейди МЧЖ бошлиғи Сирожиддин Маматкулов. — Ҳозирги кунда бинонинг ички ва ташқи пардозлари якунига

(Давоми. Боши 1-бетда).

етказилмоқда.

Мустиқиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган мазкур коллеж ва мактабларда ҳадемай биринчи кўнғироқ жаранглаб, фарзандларимиз кенг, шинам, ёруғ, барча шароитлар муҳайё этилган синфхоналарда навбатдаги ўқув йилини кўтаринки руҳ билан бошлаши шубҳасиз.

Нозима АРСЛОНОВА.  
Комила ИКРОМОВА  
олган суратлар.



Қонун ва ижро

## ФЕРМЕРЛАР МАНФААТИ ПРОКУРОР НАЗОРАТИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда фермер хўжалиқларини ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур ҳуқуқий база яратилган. Фермерларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси вилоят прокуратураси органларининг доимий назоратида.

Вилоятда 6275 та фермер хўжалигига 45 минг гектардан зиёд ер бириктирилган. Уларнинг 3408 таси пахта ва галла, 264 таси сабзавот ва полиз, 1900 таси боғдорчилик ва узумчилик, 555 таси чорвачилик, 148 таси бошқа соҳаларга ихтисослаштирилган.

Жумладан, вилоят прокуратураси деҳқон-фермер хўжалиқларига 672,1 гектар ер, 154,6 тонна минерал ўғит, 77,6 тонна

нефть маҳсулотлари, 28 тонна чигит, 20 тонна омухта ем, 5 дон техника, 15,1 млн. сўм банк кредити, 8,4 млн. сўм нақд пул, 483,7 млн. сўмлик суғурта тўлови, 35,7 млн. сўм иш ҳақи ва 135,2 млн. сўмлик дебитор қарздорликни ундиришда қонуний қўллаб-қувватлаш. Фермер хўжалиқлари манфаатини қўлаб, вилоят хўжалик судига Юқори Чирчиқ ва Чиноз пилла қабул қилиш қороналаридан 50,5 млн.

сўмлик 18 та, Бўқа ва Қорасув пахта тозалаш қороналаридан 53,9 млн. сўмлик 11 та, "Бекобод МТП" АЖдан 17 млн. сўмлик 10 та ҳамда Гулбаҳор ва Зангиота агро-техсервис МЧЖларидан 4,6 млн. сўмлик 2 та, жами 126 млн. сўмлик 41 та давво аризалари киритилди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси "Ўзгросуғурта" давлат акциядорлик компанияси вилоят дирекцияси ҳамда "Агроинвестсуғурта" АЖ 2014 йилда қилмоқда хўжалик қороналарининг пахтадан кам ҳосил олингани натижасида кўрган молиявий зарарни суғур-

таш бўйича фермер хўжалиқларига тўловларни тўламаётгани аниқланди. Хусусан, мониторинг довомида "Ўзгросуғурта" ДАСК вилоят дирекцияси 32 та фермер хўжалигига 219 млн. сўм, "Агроинвестсуғурта" АЖ 19 та фермер хўжалигига 263 млн. сўм, жами 51 та фермер хўжалигига 482 млн. сўм тоvon пуллари тўланмагани аниқланиб, юқоридаги суғурта компанияларига вилоят прокуратураси тўланмаган суғурта товонини фермер хўжалиқларига зудлик билан тўлаб бериш юзасидан "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тар-

тибда ёзма топшириқ бергани натижасида суғурта товон пуллари тўлаб берилиши таъминланди.

Вилоят прокуратура органлари назорат тадбирлари довомида қонуний чиқарилган қарорларга 9 та протест келтириб, қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият ярати бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида туман ҳокими номига тақдимнома киритди.

Акмалхон МАДИЕВ,  
вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «АЙРОНЧИЮ ШАРБАТЧИ ҲАМ ТАДБИРКОРМИ?»

Тахририят ушбу мақола юзасидан вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари М. Пўлатов имзоси билан жавоб хати олди. Унда қуйидагилар баён этилган:

"Танқидий мақола вилоят ички ишлар бошқармасида тегишли хизмат раҳбарлари ва ходимлари иштирокида муҳокама қилиниб, газетада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, Бўқа туманида ички ишлар ходимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ўтказилган тадбирлар довомида уй шароитида тайёрланган қўлбола ичимлик (айрон, шарбат)лар билан савдо қилаётганларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси билан жазаси тайинланди. Ушбу фаолият тури билан ноқонуний шуғулланаётганлар орасида вояга етмаганлар ҳам борлиги ачинарли ҳол, албатта. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ва туман ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари маҳаллаларда аҳоли билан ўтказилаётган учрашувларда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик-огоҳлантирув ишлари олиб боришмоқда.

Жумладан, 2015 йил (Давоми. Боши 1-бетда).

нинг 6 ойи довомида шаҳар ва туман ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат тузилмалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорлик қилишда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида тадбирларни амалга оширишди. Тадбир довомида вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ота-оналари билан профилактик-огоҳлантирув ишлари олиб борилиб, ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахсларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар шаҳар-туман ҳокимликлари қосида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига кўриб чиқиш учун юборилди.

Газетада қайд этилган Бўқа туманида қўлбола салқин ичимлик сотаётганлар фаолияти, хусусан ноқонуний савдо билан шуғулланаётганлар орасида вояга етмаганлар ҳам борлиги ачинарли ҳол, албатта. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ва туман ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари маҳаллаларда аҳоли билан ўтказилаётган учрашувларда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик-огоҳлантирув ишлари олиб боришмоқда.

Жумладан, 2015 йил (Давоми. Боши 1-бетда).



Юртимиз тинч, бозорларимиз тўкин, турмушимиз обод.

## "REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига: Тошкент вилояти Бўқа тумани суд ижроқилари бўлими томонидан: Бўқа тумани ИИБ АМТФКМНБ жарама майдончасида сақланаётган: 14.11.2011 й. 8515/16-сонли ижро ҳужжатида асосан: и/ч йили номаълум, дав/рак: номаълум, бошланғич баҳоси - 1 100 000 сўм бўлган "ОПЕЛ" русумли техник носо автотранспорт воситаси тақдорон аукцион савдосига қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 10 сентябрь кунин соат 11:00 да ўтказилади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИБ ЙХБ жарама майдончасида сақланаётган: 1. 07.08.2015 йилдаги 2-88-15-сонли ижро ҳужжатида асосан: 1999 йилда и/ч, дав/рак: 0115680А, бошланғич баҳоси - 40 438 233 сўм бўлган "Мерседес Бенц С180" русумли техник соат; 2. 07.08.2015 йилдаги 2-88-15-сонли ижро ҳужжатида асосан: 2008 й. и/ч, дав/рак: 10V770EA, бошланғич баҳоси - 49 186 000 сўм бўлган, "Тойота ЯРИС" русумли автотранспорт воситалари аукцион савдосига қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 23 сентябрь кунин соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланғичдан бери кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижроқилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига кириб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закатал келишуви асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUCTION" МЧЖнинг ОАИБ "Ипак йўли" Мировод филиалидаги қийдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000104998600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, М. Тарбобий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-89-13.

Ғувоҳнома № 008795.

## ЭЪЛОН

## "KOP' TARMOQLI KO'CHMAS GUL SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Яқсарой тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Мировод тумани судининг 14.05.2015 йилдаги 1-9/15-сонли ижро ҳужжатида асосан: бошланғич нархи - 250 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яқсарой тумани, Жарқўрғон кўчаси, 86-уйда жойлашган, умумий майдони 156,82 кв.м дан иборат бир қаватли "тураркой" қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йилнинг 22 сентябрь кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Бегуний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Такорий аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қороларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган: 1) Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 10.08.2013 йилдаги № 10-1214/23541-сон ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг бошқа ижро варақаларига асосан, бошланғич нархи - 4 087 176 000 сўм бўлган, "LIFTMONTAJSOZLASH"

МЧЖга қарашли бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Жанубий-Фарбий саноат ҳудуди, Проектная Г-44 кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 14485 кв.м., бино ва иншоотларнинг умумий майдони 2325,0 кв.м дан иборат бўлган "ишлаб чиқариш ҳудуди" бино ва иншоотлари мулкий маммуа ҳолда; 2) Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг қоролари асосида, бошланғич нархи - 1 432 503 000 сўм бўлган, "LIFTMONTAJSOZLASH" МЧЖга қарашли бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 6-қаватда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 1385 га, ҳужжати қурилиш 498,0 кв.м, ҳужжати қурилмалар 887,0 кв.м.ни ташкил қилади, яъни Блок-А оғирхона-хизмат биноси, Блок-Б қўшма қурилиш (ҳужжати), Блок-В навес, Блок-В1 навес, Блок-В2 навес, Блок-Г қайта қурилган бино (ҳужжати), Блок-Д ҳолатида ҳамда 8 дон вагон домик, 1 донна қозолов қран, 1 донна дахуба, лочный қранлардан иборат бўлган

"бошқарма ҳудуди" мулкий мажмуаси қўйилмоқда. Такорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 8 сентябрь кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Бегуний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижроқилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига кириб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш қунари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказилишига бир иш кунин қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Бегуний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

## 20 ЙИЛЛИК ВАКТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР



"Respublika Mulk Markazi" АЖ хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидидаги барча фуқароларни ҳўжалик иритувчи субъектлар устас фондидидаги улушлари, автотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларининг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф этади. Телефон: (0371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Чирчиқ шаҳар суд ижроқилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 15.04.2013 йилдаги 10-0906/12213-сонли ижро варақасига асосан хатланган, АТБ "Ўзсано-агроинвестбанк" Чирчиқ шаҳар филиали, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Навой кўчаси, 66-уйда сақланаётган ишлаб чиқариш ускуналари ва линиялари ("Сотторива" фирмасининг печенье ишлаб чиқариш ускунаси, электр ун элагичи, хамир қорувчи ускуна 8144, хамир аралаштирувчи ускуна, печенье ишлаб чиқариш линияси, бўлочка пишириш учун 3 ярусли электр печи, хамир қорувчи ускуна МВ-35, ҳолодильник шкар-флар комплекти ШЛ, электр плитаси, печлар учун стильж комплекти, макарон ишлаб чиқариш ускунаси 1 комплекти) тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 95 913 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 8 сентябрь кунин соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш қунари соат 10:00

таъминлаш: жамоат комиссиялари аъзоларининг асосий функциялари, ваколатлари, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари", "Ижтимоий шерикчилик субъектлари ташаббусларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тартиби, шартлари ва турлари", "Давлат дастурлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари" ва "Жойлардаги жамоат ко-

Бугунги семинарда комиссия аъзоларининг ваколати, вазифаси, ҳуқуқ ва мажбуриятларидан тортиб, комиссия қандай фаолият юритишига батафсил маълумот бердик.

Семинар сўнгиде Парламент комиссияси эълон қилган 1- ва 2-Давлат гранти танловла-



ри қолибларига сертификатлар топширилди.

— "Жамиятда юксак маънавий-ахлоқий кадрларни, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлашда маҳалланинг роли" мавзусидаги лойиҳа билан танловда қатнашгандик, — деди "Қиёрай садоси" газетаси муҳаррири Абдуҳамид Фозилов. — Грант ютганимиз энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида жамоамизга муносиб совға бўлди.

Шунингдек, Парламент комиссияси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шерикчи бўйича жамоат комиссияси аъзолари ва грант танловлари қолиблари иштирокида жойларда ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга оширишнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга йўналтирилган матбуот анжумани ҳам бўлиб ўтди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.  
Мансур НАХАЛОВ  
олган суратлар.

бўйича жамоат комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустиқил институти ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Республика Парламент комиссияси, ФЖШМКМИ ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда "Жамоат комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини

миссиялари фаолиятининг истиқболли йўналишлари: нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига мулк, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий кўмак бериш бўйича дастурни ишлаб чиқиш" мавзусидаги маърузалар тингланди.

— Вилоятларда ижтимоий шерикчи бўйича жамоат комиссияларининг тузилгани айна мудоа бўлди, — дейди Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов. —

Agro sanoat mulk markazi" MМЖДА 2015-йил 15 sentyabr kuni boshat 11:00 da Boshlangan. Narxi 11 000 000 сўм. 13. 20.10.2014й. kunligi Narxi oshib borishi tartibida Utkaziladigan ochiq xulosa savdosiga kuyidagii mulk-mulk-lar kuyilmoqda. 1. Mipzo Ulyubek tomanidan, 24.03.2014й. kunligi 1/12/14-sonli ixtiro, varakasisga asosan xatlangan, Toshkent shahar IIBB Axborot Markazida, Tashkentda, 1.2010 йилда и/ч дав. бел. 01 126 NBA булган "Kapтивa" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 76 950 000 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 154 NBA булган "Kapтивa" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 76 950 000 сўм. 3. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 145 MAA булган "Kapтивa" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 76 950 000 сўм. 4. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 802 OAA булган "Kapтивa" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 76 950 000 сўм. 5. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 010 TAA булган "Mercedes Benz" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 80 750 000 сўм. 6. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 075 ZAA булган "Audi S5 Coupe 4.2" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 266 452 200 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 337 DAA булган "Lexus LS460L" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 205 200 000 сўм. 8. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 763 TAA булган "Эликa" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 52 250 000 сўм. 9. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 B 432 NA булган "Audi A8L Quattro" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 213 750 000 сўм. 10. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 N 557 JA булган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 42 560 000 сўм. 11. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 470 NBA булган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 43 605 000 сўм. 12. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 438 NBA булган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 41 799 145 сўм. 13. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 544 NBA булган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 41 800 000 сўм. 14. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 439 NBA булган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 41 800 000 сўм. 15. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 856 LAA булган "Hyundai H-100" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 51 300 000 сўм. 16. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 870 BBA булган "Hyundai H-1 GLS" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 76 950 000 сўм. 17. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 906 DAA булган "Лада1184-114-30" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 19 950 000 сўм. 18. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 905 DAA булган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 16 340 000 сўм. 19. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 275 EAA булган "AGSCH-ГАЗ330200-1414-21" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 38 000 000 сўм. 20. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 920 DAA булган "Ваз1183-110-200" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 19 475 000 сўм. 21. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 921 DAA булган "Лада1193-110-200" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 19 950 000 сўм. 22. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 913 DAA булган "Ваз21041-182-20" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 17 955 000 сўм. 23. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 922 DAA булган "Лада1183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 18 525 000 сўм. 24. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 908 DAA булган "Лада1174-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 19 000 000 сўм. 25. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 911 DAA булган "Ваз21104" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 19 000 000 сўм. 26. 1995 йилда и/ч дав. бел. 01 056 TAA булган "ЗИМ-12" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 13 084 129 сўм. 27. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 069 TAA булган "Опель Адмирал" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 8 016 131 сўм. 28. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 061 WBA булган "Isuzu NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 76 000 000 сўм. 29. 1941 йилда и/ч дав. бел. 01 041 MAA булган "Гонимак" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 9 224 240 сўм. 30. 1943 йилда и/ч дав. бел. 01 043 MAA булган "Крайслер" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 3 416 277 сўм. 31. 16.10.2013й. kunligi 62989/12-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, "Феруза Баракат Сервис" ММЖДА сакланганда, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 862 FA булган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 20 498 072 сўм. 32. 22.08.2013й. kunligi 58980/12-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 T 836 LA булган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 16129 797 сўм. 33. 07.01.2014й. kunligi 613/12-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 A 532 GA булган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 18875 968 сўм. 34. 15.08.2011й. kunligi 25578-85/22-25-12-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, "Space Arsenal Service" ММЖД жарима майдончасида сакланганда, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19 A 351 булган "SK 24" ярим трикама. Boshlangan narxi 23 040 350 сўм. 11. Мировод туман СИБ томонидан, Toshkent shahar IIBB Axborot Markazida, Tashkentda, 1.2011 йилда и/ч дав. бел. 85 K 775 BA булган "Mercedes Benz" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 37 871 935 сўм. 2. 29.11.2013й. kunligi 39616/19-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 1981 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 079 NA булган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 3 870472 сўм. 3. 16.04.2012й. kunligi 13368/5-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 1990 йилда и/ч дав. бел. 10 987 FA булган "Газ 53" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 5 453845 сўм. 4. 16.04.2012й. kunligi 13368/5-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 585 CA булган "CHANASOC-6382" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 48 457924 сўм. 5. 30.10.2013й. kunligi 36235/19-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 2004 йилда и/ч дав. бел. 10 Y 051 DA булган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 13 973 687 сўм. 6. 20.02.2014й. kunligi 5686/6-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 426 NA булган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 33 053 248 сўм. 7. 22.01.2014й. kunligi 2273/19-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 1978 йилда и/ч дав. бел. 10 J 06 FA булган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 5 058 235 сўм. 8. 22.01.2014й. kunligi 2263/19-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 1983 йилда и/ч дав. бел. 10 H 045 NA булган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 3 137 890 сўм. 9. 06.09.2013й. kunligi 2175/6-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 1998 йилда и/ч дав. бел. 90 W 136 CA булган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 10 180 736 сўм. 10. 20.10.2014й. kunligi 33301/19-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 T 2191 булган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 20 200 139 сўм. 11. 05.12.2014й. kunligi 40355/19-sonli ixtiro varakasisga asosan xatlangan, 2012 йилда и/ч дав. бел. 10 M 404 GA булган "Спарк" русумли автотранспорт воситаси. Boshlangan narxi 33 229 004 сўм. 12. 20.10.2014й. kunligi 33305/1

## Маънавият

Динимиз таълимотларида она Ватан ҳимояси, миллат фаровонлиги ва дин раънақи йўлида ҳан дин берган кишиларга шахдлик макрми берилиши айтилган. Халқимизда "Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл" деган ҳикматли сўз ҳам бор. Ўз хузу-ҳаловатини ўйлаб, ўзгаларни унутган киши ҳеч қачон она Ватанига, халқига садоқатли бўлмайди.

Ҳақимлар айтадилар: "Кишининг вафодорлиги унинг ўз Ватани учун қай-гуришидан, биродарларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ўқиниб яшашидан билинади". Инсоннинг ўз халқига садоқати ва фидойилиги Ватанини ҳимоя қилиши, унинг тараққий топиб, ҳар томонлама мустаҳкам ва қудратли бўлиши ҳамда халқнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishiи имконият даражасида ҳисса қўшиши билан ўлчанади.

Ҳаммамиз учун табарруқ бўлган уч сўз бор: Имон, (Давоми. Боши 1-бетда).

Ватан ва Истиқлол. Бу сўзларнинг мазмун-моҳиятини бугун ҳар биримиз юракдан ҳис этиб турибмиз.

## ИМОН, ВАТАН, ИСТИҚЛОЛ



ИМОН – Буюк Аллоҳ ва Унинг Расулига ишониш. Унинг раҳмат ва мағфиратидан умидвор бўлиш ва Унинг амру фармонларига итоатда бўлиш.

ВАТАН – бу муқаддас замин, буюк аждодларимиз юрти ва келажақ авлодларимиз ифтихори.

улуг неъматларидан бўлиб, у ҳаётимиз мазмуни, гурур ва ифтихоримиз тисмолига айланган. Аллоҳ Таолога бўлган имонимиз ва ихлосимиз Истиқлол шарофати билан янада мустаҳкамланиб, зиёда бўлиб бормоқда. Барчаларимиз шу жан-

натмакон юрт – Ватаннинг тенг ҳуқуқли фуқароларимиз. Бу эса бизга катта маъсуллат ва вазифалар юклайди. Ватан раънақи,

тинчлиги, осойишталиги ва унинг ҳар томонлама ривожланиб, тараққий топишида ўзаро ҳамжихатлик асосида саъй-ҳаракат қилишимиз зарур.

Истиқлол туфайли она диёриимиз мусулмонлари ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатимизда халқимизнинг азалий муқаддас дини – Исломга катта эътибор берила бошлади. Чунки, Ислом дини Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "...ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йигиндиси эмас.

Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларига амал қиладилар".

Даҳрийликка асосланган собиқ иттифок тузуми пайтида барча диний ва миллий қадриятларидан узилган халқимиз истиқлолдан кейин имон-этиқод сари юз тутди. Зеро, ҳар бир миллат ўзининг руҳий-этиқодий илди-ларидан узилса, инқирозга учраши табиий ҳол. Давлатимиз ана шу нозик туйғунни чуқур ҳис этиб, мустақилликнинг илк кунлариданоқ халқнинг маърифати ва маънавиятини юксалтириш, имон-этиқодли қилишга биринчи даражали аҳамият берди: "Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот

билан чиқариб бўлмайди. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни муҳтасар ифодалаб айтиш мумкин-ки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда".

Истиқлол туфайли мамлакатда Ислом дини раънақи йўлида кенг имкониятлар очилди. Эътиқод эркинлиги қонуний қаролатлаб қўйилди. Барча миллий ва диний қадриятлар тикланди, масжид ва мадрасалар бинолари, нодир тарихий манбалар, осори-атиқалар мусулмонларга қайтарилди. Мусулмонларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, диний таълим олишлари учун барча шароитлар яратилди. Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунидан олиш куниде белгиланиб, байрам сифатида нишонланганидан бўлди.

Аллоҳ Таоло Ватанимиз тинчлигини барқарор ва халқимиз ҳаётини бундан ҳам фаровон айласин!

Одильон НАРЗУЛЛАЕВ,  
Янгийул тумани "Жоме" масжиди имом-хатиби.

## Кўргазма

НУРОНИЙЛАР  
ФОТОМУСАВВИР  
НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият карвона-ройдига Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб санъатшунос ва фоторассом Нодир Норматовнинг "Меҳр қолур, муҳаббат қолур..." номли фотоқўргазмаси очилди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни изчил раънақ топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Мазкур кўргазмада тақдим этилган фотосуратларда пири бадавлат отахон ва онахонларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, юртимизнинг турли ҳудудларида яшовчи нурунийларнинг ҳаёт тарзи, ўзига хос удумларимиз, она-юрт манзаралари билан муштарак ҳаётини лаъҳалар кенг ўрин олган.

– Мамлакатимизда тасвирий санъат ривожига қўрсатилган даврий эътибор иҳодкорларни янги режалар устида изланишга ундайди, – дейди Н. Норматов. – Мазкур кўргазма ана шундай изланишлар мевасидир. Унда юртимизда кекса авлод вақилларида эҳтиром қўрсатишдек азалий фазилатларимиз янги мазмун билан бойиб бораётгани бош мавзудир. Бу ёш авлоднинг халқимизнинг умрбоқий қадриятларини теран англашга, оила ва жамиятда табарруқ кексаларимизга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлишга ундайди.

Тадбир доирасида Н. Норматов сценарийси асосида суратга олинган "Чингиз Аҳмадов" ҳужжатли фильми тақдими бўлиб ўтди. Ўзбекистон илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида суратга олинган картинада таниқли мусаввир Чингиз Аҳмадовнинг ҳаёти ва ижоди, улкан мероси ҳақида сўз юритилади. Ш. МАМАТУРОВА, ЎзА мухбири.

## Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Худудда 350 дан зиёд қадимий ёдгорликлар сақланаётган Тошкент вилояти мамлакатимиз ҳамда халқаро туризм индустриясига тобора кенг жалб этилмоқда. Хорижий меҳмонлар иштиёқ билан интилаётган энг қизиқарли йўналишлардан бири Бўстонлик ту-

юқорида таърифи келтирилган табиий бойликларнинг ҳаммаси тоғлар қудратидо раънақ топилиши, шунингдек, кўплаб қадимий ёдгорликларни бағрига сингирган бўлиб, у Уғом-Чотқол миллий давлат табиат боғи номи билан машҳур. Бу ердаги ҳар бир дарахт, ҳар бир ноёб гиёҳ ва ҳар бир қўна ёдгорлик давлатимиз қонунилари билан ҳимоя қилинади.

Туризм соҳаси жадал ривожланаётган бугунги шароитда маданий меросимизни кўз қорачиқиде асраш масаласи долзарблик касб этмоқда. Бинобарин, баъзан табиат қўйнига чиқилганда "зарар етказма!" шioriини унутмаслик муҳим.

Қадимий шаҳарлар, қонлар, муқаддас қадамжолар оралаб юздан зиёд каттакичик йўл ва сўқмоқлар ўтган. Булар – ўзлимиз, ўз шажараларимиз, Она юртимиз ўтмиши билан таништирувчи йўллар.

Туманининг балинд тоғ қисмида Пском дарёсининг сўл қирғоғида эраимиздан олтинчи асридаёқ рангли металлари қайта ишлайдиган пункт вужудга келган эди. Қазилма бойликлар ҳам шу ерда, яъни ёнма-ён бўлган. Ушбу қонлардан фойдаланиш сабабли халқ ҳунармандчилиги пунктлари кўпайиб, ривожланган. Шунингдек, X-XII асрларда Шохжувор шаҳри аста-секин бунёдга келган.

XII асрга келиб, Шохжувор Пском дарёсининг юқори қисмидаги иқтисодиёт марказига айланди. Шаҳар Чочдан Галас водийсига олиб борадиган қисқа йўл бўлида жойлашган эди. Карвонлар Майдонтол, Чиралма ва Ойғайнинг тоғ дарёлари соҳиллари бўйлаб юришган. Катта Пском дарёси айнан шу дарёлардан ҳосил бўлган. Карвонлар Чочдан турли моллар билан тоғ доволаридан ўтиб, Талас водийсига келишган ва шу йўлдан қайтишган.

манидир. Иклими мўътадил ва ёқимли, тоғлари, дарё соҳиллари бекёёб гўзал ва бетакдор бўлгани боис Бўстонлиқни Ўзбекистоннинг Швейцарияси дейишди. Ушбу минтақанинг туристик салоҳияти Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан анча устун.

АЖДОДЛАР МЕРОСИДА  
ТАРИХ МУЖАССАМ

машҳур ерлар бўлган. Бу ерларда оғир руданинг бир парчаси кўзани қамаштирувчи тилла тақинчоққа айланган. Қадимий қўлгул усталарнинг маҳорату иктидорлари оддий тошларда мўъжизавий шакл касб этган. Уларнинг изи ҳамон ўчмаган.

"Жарбожибува", "Қамчибува", "Қаптаркумушбува", "Оқ булок", "Қўқўлиноста", "Шайх Умар Валий" ва бошқа кўплаб муқаддас қадамжолар минглаб саяҳатчи ва саргузаштлар шайдолари қалбидан жой олган.

Бугун Хожикент томонлари ўта гажув. Тоғ даралари бўйлаб сайр қилишни хуш кўрувчилар янада кўп. Зеро, бу ерларнинг манзараси жуда гўзал. Хожикентда "Оқбулоқота" табарруқ қадамжоси қачон пайдо бўлганини бугун ҳе қим эсломлайди. Бакувбат қоялар остида қайнаб чиқаётган булоқ ер ости сувлари қўшилишидан вужудга келган. Шунингдек, қорларнинг сероблиги ҳам булоққа куч қудрат бағишлайди. Булоқдан 5-6 метр

Яқинда ер кўчкиси юз берди. Катта тошлар пастга думалади ва гўзал арчани ҳам кўпориб кетди. Булоқ ҳам бекилиб қолди, энди унинг ёқимли овози эшитилмапти. "Халок бўлган" арча эса ҳамон қояларда ётибди. Унга қўл теккизишга ҳеч қим журъат етолмайди.

Булоқ ҳақида меҳр ва ҳаяжон билан шуларни ҳикоя қиладиган қарияларнинг юзлари тунд қиёфада эди. Шундай бўлсада уларнинг бир нарсаси ишонч қилиб: қачонларидир Оқбулоқ яна тилга кириб ёқимли қўшиғини бошлайди. Ва унинг ёнида янада гўзал арча кўкка бўй чўзади. Одамлар бу ерларни яна зиёрат қила бошлашади. Яратгандан дунёга тинчлик сўрашади.

Табиат – сахий, ҳадылари бисёр. Ҳатто, ўзининг ажабтовур сир-синаотларини ҳам биз учун асраб-сақлаб келаяпти. Уларнинг тилисимни ечиб, табиат билан ўйгунлиқда яшашга ўргана-япти.

Қизилсув қишлоғида Жумабой ота муқаддас қадамжоси бор. Балинд тепалик устида муқаддас Жумабой ота қабри бор. Қуйида эса тўртта адил чинор савлат тўкиб турибди. Сал тепароқда – булоқ. Унинг суви шифобахш. Бу ерда тинч ўтирсангиз, бир мuddат ўтиб, ажабтовур товушларни эшитасиз. Бу – табиат қўшиғи – чинорлар бир-бирлари билан шивирлашади. Енгил шабада қўлайди, турфа қушлар турли оҳангда сайрайди.

Олам – яхлит бир тана. Унинг ҳар бир ҳужайраси ўз хотирасига, вақт хотирасига эга. Ҳаммамиз шу ягона, яхлит маконда қўриш, эшитиш, идрок этиш ва яратиш имкониятига эгаимиз.

Аждодларимиз бизга буюк мерослар қолдиришган. Биз уларни асраганимиз лозим. Ҳар бир дарахт, ҳар бир гиёҳни, ҳар бир тепаликни. Зеро, уларда улкан тарих муҳассас.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,  
Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.

## "Respublika Mulk Markazi" АЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бўстонлик тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Тошкент вилоят Хўжалик судининг 08.04.2015 йилдаги 11-1502/2459-сонли ижро варақасига асосан хатланган "Марьям-Текстиль" МЧЖга қарашли жарима майдонда сақланаётган автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. Дамас-ГБА-СПГ русули д/р 10 480 ХАА бўлган, 2013 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 28 038 000 сўм. 2. "Спарк" русули д/р 10 874 ХАА бўлган, 2014 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 25 313 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 22 сентябрь кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий ш ҳуқуқлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2015 йил 18 сентябрь кунини соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилири бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо тақшилотчили билан тузилган зақалат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда зақалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини қўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АЙКБ "Ипак йўли банки" Қарбон филиалидаги х/р 20210000300571452114, МФО 01036, ИИН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, зақалат пули тўлашганига ҳақдаги тўлов ҳужжати нусхаси, вақиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жомоний шахслари қўшишча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқishi қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамш-1 қўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz

Гувоҳнома № 001580.

## "NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти Чирчик шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти ЖИБ судининг 16.02.2015 йилдаги 2-20/854-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳар, У. Носир қўчаси, 11-уй манзили бўйича жойлашган, умумий майдони 7018,970 кв.м. қурилиш майдони 1114,04 кв.м. ховли 5929,25 кв.м. бўлган "Нилуфар" маданий ва маънавий хизмат қўрсатиш маъмуасини (тўйхона) тақдоран савдога қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси - 692 971 200 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 10 сентябрь кунини соат 12:00 да ўтказилади.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчик тумани СИБ томонидан: Тошкент вилояти ХИБ судининг 21.04.2015 йилдаги 11-1406/1945-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик тумани, Қорасув ҚФЙ, Роватка маҳалласи, К. Эргашев қўчаси 154-уй манзили бўйича жойлашган, 800,0 кв.м. ҳажмли, умумий фойдаланиш майдони 96,76 кв.м., бўлган "нотулар бино" савдога қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси - 37 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 28 сентябрь кунини соат 12:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10:00 дан соат 16:00 гача) аукцион бошлангичидан бир хун олдин тўхатилади. Савдога қўйилган қўчаси мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилири бўлимининг вақиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо тақшилотчили билан тузилдиган зақалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда зақалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг САИТБ "Ипак йўли" Мировод филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИИН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқасарой тумани, М. Таробий қўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

БОШПАНА СЎРАГАН ҚОЧОҚЛАР  
КЎПАЙДИ

Германия республикаси ички ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда келтирилишича, шу йилнинг ўтган етти ойида бошпана сўраб мурожаат қилган хорижий қочоқлар бутун ўтган йилдагига нисбатан анча кўпайган.

Шу йил июль ойининг охиридаги ҳисоб-китобларига қараганда, Германиядан бошпана сўраганлар 218 минг кишига етди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 24,8 фоиз кўпдир. Германия социалистик партияси йилнинг охирига бориб, ГФРда қочоқлар 700-800 минг кишига етади, деб ҳисобламоқда.

Қочоқлар энг кўп бошпана сўраган давр 1992 йилда қайд этилган. 2014 йилда эса тахминан 200 мингта мурожаат тушган. Қочоқларнинг 40 фоизи Албания, Босния ва Герцеговина, Македония, Сербия, Черногория давлатларидан, бироқ энг кўп қочоқлар сурияликлар.

## УММОН ҚАЪРИДА КАТТА ДАФИНА

Американинг Флорида штатида дафина изловчилар Атлантика уммони тубида илгари чўкиб кетган Испания кемасидан 350 та тилла танга топиб олдилар.

Би-би-си агентлигининг хабарига қараганда, энг қиммат тангаларнинг ҳар донаси 300 минг доллар дея, баҳоланмоқда. Ушбу дафина қирғоққа яқинроқ жойда, у қадар чуқур бўлмаган уммон тубида топилади.

Аниқланишича, бундан тахминан 300 йил илгари Флорида штатидан Испанияга сузиб бораётган ушбу кема бортида тилла тангалардан ташқари тилла тақинчоқ ва турли тилла идишлар бўлган.

Топилган тангаларнинг 9 донаси ўта ноёб бўлиб, улар Испания қироли Филипп V учун махсус қўйилган ва ҳозирги пайтда унинг ҳар донаси 300 минг долларга тенг.

## ГРЕЦИЯ КРЕДИТ ОЛА БОШЛАДИ

Европа барқарорлаштириш тамойили (ЕБТ) директорлари кенгаши учинчи халқаро дастур бўйича Грецияга ёрдам тариқасида бериладиган 86 миллиард евро микдордаги кредит маблағларини тўла ҳажмда тасдиқлади.

ТАСС ЕБТ ўтказган телеанжуман якуни юзасидан эълон қилинган баёнотдан келиб чиқиб, ушбу хабарни тарқатди. Мавжуд ахборотларга қараганда, учинчи дастур доирасидаги биринчи транш маблағи 26 миллиард евро микдорига белгиланиб, улар октябрь ойигача мамлакат ихтиёрига ўтказиб берилади. Учинчи халқаро уш йиллик дастур бўйича ёрдамда халқаро валюта фонднинг иштирок этишмаслиги ҳозирча сўроқ остида турибди. Бу мавзу фонд бошқарувчилари кенгаши томонидан октябрь ойида муҳокама этилади. Фонднинг директор-фармойишчиси Кристин Лагарднинг айтишича, фонд Греция қарзларини жиқдий реструктуризация қилишни талаб этмоқда. Фонднинг фикрича, бусиз Греция учинчи халқаро дастур якунланганда ҳам ўз қарзларини мустақил қайтара олмайди.

## ЭБОЛА БЕЗГАГИГА ЧАЛИНМАГАН ЭКАН

Эбола безаги белгилари билан Нью-Йоркдаги шифохоналардан бирига ётқизилган беморни кўздан кечирган врачлар ушбу гумонни рад этидилар.

Хабар қилинишича, тўсатдан иссиғи қўтарилиб, табиий ёрдам сўраб мурожаат қилган ушбу бемор яқинда Гвинеедан қайтиб келган экан. New York Post газетаси табиий таъассаси вақиллари маълумотларига таяниб ёзишича, бир қатор тест синовлари ўтказилганидан сўнг эбола безаги хусусидаги тахмин бекор қилиниб, ўзгача тахшиш қўйилди.

Маълумот учун айтиш жоизки, эбола безаги хасталиги 2014 йилнинг февралдаги биринчи марта Гвинееда хуруж қилган. Сўнгра бу хавфли хасталик вируслари қўшни мамлакатлар – Сьерра-Леоне ва Либерияга тарқалган. Ушбу эпидемия бошлангандан бўён шу учта мамлакатнинг ўзида 11 минг 154 киши эбола қурбони бўлди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

"TASHKENT PACK" МЧЖ га тегишли бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусовод туманидаги "EXCLUSIVE FITNESS CLUB" МЧЖнинг устас жамғармаси 211 672 000 сўмдан 1 000 000 сўмга қамайишини маълум қилади. Даволат эълон чиққан кундан бошлаб 449-35-15 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) томонидан 1993 йилда Садиков Фазилдин Яхьяевич номига бериладиган ЦВ № 762438 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "CASPIAN PROJECTS SUPPORT NETWORK" бошбасит об уменишини уставног фонд с 26 641 794 сўм, что составляет 14 464,06 долларов США до 8 620 933,00 сўм, что составляет 5 013,11 долларов США. Телефон: (+99899) 185-64-66.

Тошкент шаҳар хорижий таъсисчи иштирокидаги "GETTER GROUP" маъсуллати чекланган жамиятига тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"RAXMON-TRANS SERVIS" МЧЖ га тегишли бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шайхонтохур тумани ҳоқимлиги хузуридаги ТСРҲИ томонидан 01.05.2014 йилда № 007521-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "МЕДОЕ GOLD BUSINESS" МЧЖ (ИНН 302935550) тугатилди (таъсисчининг 21.08.2015 йилдаги 2-сонли қарорига асосан). Даволат 2 ой давомида Шайхонтохур тумани, Бог кўча, Марказ-27, 11-А уйда қабул қилинади. Телефон: 556-66-69.

Юнусовод тумани ТСРҲИ томонидан 12.03.2010 йилда № 005573-10 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ALYUPLAST EKSILYUJIZ BIZNES" МЧЖ (ИНН 301538490) тугатилди (жамиятининг 19.08.2015 йилдаги 1-сонли мажлис бевоситага асосан). Даволат 2 ой давомида Юнусовод тумани, 19-мазе, 6-уй, 4-хонадонда қабул қилинади.

Авалл Тошкент шаҳар Мировод тумани ТСРҲИ томонидан 08.08.2013 йилда № 006547-03 реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган "HELL ASIA TOUR" МЧЖга аввал Тошкент шаҳар Мировод тумани ТСРҲИ томонидан 07.01.2010 йилда № 004308-03 реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган "OK TOUR" МЧЖнинг қўшилишини маълум қилди ҳамда "HELLO ASIA TOUR" МЧЖ "OK TOUR" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

## ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Бош муҳаррир

</